

Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" Акциядорлик Жамияти
Акциядорларининг 2025 йил Навбатдан Ташқари
Умумий Йиғилиши
БАЁНИ.

Йиғилиш ўтказилган сана: 20.02.2025 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 14-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Қўқон шаҳри, Фурқат кўчаси 100 уй.

Жамиятнинг акциялари умумий сони – 48 797 дона

шундан: овоз берувчи акциялари сони – 44 125 дона

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 40 760 дона

Умумий йиғилиш кворуми- 92,37 %

Қатнашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Маматхонов М.Н.	Қўқон шаҳар ҳокимлиги вакили	24887	56,40
2.	Одилов Б.Ж.	Тадбиркор	3036	6,88
3.	Рахманов Ж.Н.	“Юлинтер”МЧЖ	12837	29,09
	ЖАМИ:		40760	92,37

Йиғилиш раиси: М.Маматхонов – Жамиятнинг 24887 дона оддий акцияларига эгалик қилувчи – Қўқон шаҳар ҳокимлигининг 03.02.2025 йил кунги № 05/27 сонли хатига асосан ишончли вакили.

Йиғилиш котиби: М.М.Ўринбоев

Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ бошқарув раиси (директор) тасдиқлаш тўғрисида.

Сўзга чиқдилар:

Йиғилишда қатнашган Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили М.Н.Маматхоновни сайлашди. Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов навбатдан ташқари умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 44125 та овозга эга бўлган 27 та акциядорлардан 40760 та овозга эга бўлган 3 та акциядор қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 92,37 % ини ташкил қилади. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси, М.Н.Маматхонов йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи иштирок этишаётганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва санок комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори йиғилиш раёсатини 2 кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Қўқон шаҳар ҳокимлиги вакили М.Н.Маматхонов ва бошқарув раиси Н.М.Ашурбаевларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни кайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига М.М.Ўринбоевни бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи М.Маматхановга 30 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 10 дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчиларга ҳам 10 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 1 соат ичида якунлашни таклиф қилди. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтилди.

Кун тартибидаги **1-масала** бўйича йиғилиш раиси М.Маматханов жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги регламентини ва кузатув кенгашининг 30.02.2025 йилдаги мажлисида ташкил этилган Ҳошимова Махоратхон, Кадирова Маликахон ва Якубжанова Маъмурахонлардан иборат навбатдан ташқари умумий йиғилишида санок комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан таклиф киритди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачи М.Маматхановга 30 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маърузачиларга 10 дақиқагача ва музокараларда сўзга

чикувчиларга ҳам 10 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 1 соат ичида якунлашни таклиф қилди.

Музокаралардан сўнг **“Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлансин”**, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси М.Маматханов кун тартибидаги **2-масала** юзасидан сўзга чиқиб, Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ ижроия органи раҳбари-бошқаруви раиси лавозимида Мелибаев Жаҳонгир Адилович ишлаб келаётган эди, лекин соғлиги ёмонлашганлиги туфайли Кузатув кенгаши раиси номига 28.12.2024 йил кунги бошқарув раиси лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ёзган аризаси билан таништирди.

Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ ижроия органи раҳбари-бошқарув раиси лавозимига Нодиржон Ашурбаев Махмудович номзодини тасдиқлашни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг **Нодиржон Ашурбаев Махмудович номзоди Қўқон шаҳар “Дехқон бозор” АЖ бошқарув раиси (директор) тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Ҳақиқий деб топилган бюллетенлар сони 1 дона, яъни 24 887 та овоз.

Овоз бериш натижалари ҳисобланганда, овозлар қўйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:

Кун тартибининг 1-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 40 760 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибининг 2-масаласи бўйича:

“Ёқлайман” – 40 760 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

Йиғилиш раиси акциядорлардан йиғилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йиғилиш ўз ишини тамомлади. Йиғилиш сўнгига,

**ҚЎҚОН ШАҲАР "ДЕҲҚОН БОЗОР" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлансин.

2. Қўқон шаҳар "Деҳқон бозор" АЖ бошқарув раиси Мелибаев Жаҳонгир Адиловичнинг 2024 йил 28 декабрдаги Кузатув кенгаши раиси номига ёзган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2.1. Қўқон шаҳар "Деҳқон бозор" АЖ ижроия органи раҳбари – бошқаруви раиси (директор) лавозимига Нодиржон Ашурбаев Махмудовичнинг номзоди 2024 йил 28 декабрдан тасдиқлансин.

2.2. Кузутув кенгаши раиси М.Маматхановга Нодиржон Ашурбаев Махмудович билан Кузатув кенгаши номидан меҳнат шартномасини имзолаш ваколати берилсин.

Йиғилиш раиси,

Қўқон шаҳар ҳокимлиги
ишончли вакили

М.Н.Маматханов

Йиғилиш котиби

М.М.Ўринбоев

Баённома 25.02.2025 йил кuni икки нусхада расмийлаштирилди.